



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини ташкил қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ID-22670 (V-1) кўриб чиқиб, қўйидагиларни маълум қиласди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 2-банди “а” кичик бандида тармоқ ва соҳаларда ваколатли этиб белгиланган давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаларидан бири рақобат муҳитини яхшилаш ва уни ривожлантириш ҳисобланиши ҳамда мазкур вазифаларни амалга ошириш раҳбар ва унинг биринчи ўринbosари зиммаларига юклатилиши қўрсатилган.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, қарор лойиҳасининг 2-бандига қўйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбошини киритиш лозим:

“озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида рақобатни ривожлантириш ва рақобат муҳитини таъминлаш”.

2. Қарор лойиҳасининг 8-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Маъмурий-хўжалик хизмати” давлат муассасаси иштирокида “UzAgro-Food Trade” маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги ташқи савдо компаниясини ташкил этиш белгиланмоқда.

Бугунги қунда мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида – макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш белгиланган.

Ваҳоланки, тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспортни ривожлантириш ва унинг салоҳиятини ошириш ҳамда ташқи савдони ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилган.

Шунингдек, экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва ахоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг кўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш мақсадида “Ўзагроэкспортбанк” АТБ ташкил этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463-сон қарорига асосан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, дехқон ва фермер хўжаликлари га уларнинг маҳсулотларини экспорт қилишда самарали ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида “Узмарказимпэкс” АЖ ва “Узинтеримпэкс” АЖ ташқи савдо компаниялари негизида “Ўзтрейд” АЖ (собиқ номи “Ўзтадбиркорэкспорт” АЖ) ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси;
- машинасозик корхоналарга, металлургия, кимё ва нефт-кимё саноатига, қурилиш маткриаллари саноатига ва бошқа саноат тузилмалари га ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришда кўмаклашиш мақсадида “Ўзпроммашимпэкс” АЖ ва “Марказсаноатэкспорт” АЖ негизида “Ўзсаноатэкспорт” АЖ ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6

июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг талабларига кўра, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) йўл қўйилмайди.

Шунга асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Маъмурий-хўжалик хизмати” давлат муассасаси иштирокида “UzAgro-Food Trade” маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги ташқи савдо компаниясини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шу муносабат билан, қарор лойиҳасининг 8-бандини чиқарib ташлаш ҳамда шундан келиб чиқиб қарор лойиҳасининг 9, 10, 11, 12, 13-бандларини қайta кўриб чиқиш лозим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини ташкил қилишга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳасини тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.

Председатель



Шарипов Н. Ш.